


Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzrak.uz • 2003 йил 23 июль, №151 (3263) • Чоршанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июль кунин Оқсаройда Россия Федерациясининг "Газпром" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди. Утган йилнинг декабрида "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси билан "Газпром" ўртасида "Газ

соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим" имзоланган эди. Ушбу келишув доирасида жорий йилнинг май ойидан Ўзбекистон табиий газининг экспорти бошланди. Шартномавий мажбуриятларга кўра, 12 ой давомида газ экспорти ҳажми 5 миллиард куб метрга етиши керак.

— Ушбу ҳужжат "Газпром" билан янгича муносабатларимизга тамал топини қўйди, — деди Ислам Каримов учрашувда. Дарҳақиқат, ҳамкорлик тўла стратегик шериклик тамойилларига асосланган. Маълумотларга кўра, 2005 йилга бориб, Ўзбекистон газининг экспорти 10 миллиард куб метрга етказила-

ди. Бу кўрсаткичга эришиш учун "Ўзбекнефтегаз" билан "Газпром" ўртасида компрессорларни тўла таъмирлаш, газ транспорти тизимини такомиллаштириш учун моддий-техникавий ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш борасида келишувга эришилган. Аяни пайтада "Газпром" билан ҳамкорликда Шох-

пахта конини тўла ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Унда 11,9 миллиард куб метр газ борлиги аниқланган. У ерда қўшимча босим берадиган компрессор станциясини барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Томонлар уни ҳаётга имкон қадар тезроқ жорий қилиш борасида ишламоқда.

"Ўзбекнефтегаз" билан "Газпром" Устюрт минтақасидаги конларни ўзлаштириш борасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Аяни пайтада "Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги конларда геология-разведка ишларини ўтказиш ва уларни ўзлаштиришда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома" тайёрланган. Бу ишга "Газпром" замонавий технологиялар ва сармоя билан ҳисса қўшиш ниятида. Бундан ташқари, нефть ва газ қазиб олиш, ташиш, компрессор станцияларини ишлаштириш, бургилаш билан шугулланувчи мутахассисларни қайта тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг сентябридан келаси йилнинг июлигача "Газпром" ўқув марказларида 900 нафар ўзбекистонлик мутахассис малака ошириши мўлжалланмоқда. Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболга оид масалалар муҳокама қилинди, икки томонлама фойдали янги лойиҳалар ишлаб чиқиш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎЗА).
СУРАТДА: қабул пайти.
Абдувоҳид ТУРАЕВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат ҳамда Агроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.



Олий Мажлис Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров бошқарган йиғилишда Оролни қўтариш халқаро жамғармаси агентлигининг иш фаолияти ҳақидаги ахбороти тингиланди. Йиғилишда Оролни қўтариш халқаро жамғармаси агентлигининг Орол денгизи ҳавзаси ва GEF лойиҳалари амалга оширилишини бошқариш ва уларнинг Оролбўйидаги аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини тиклаш, турмуш фаолияти теграсини туз ва чанг-тўзонлардан ҳимоя қилиш, иш ўринларини қўпайтириш, балқ овлашни тиклаш ва денгиз қирқоқлари бўйида сув ҳавзалари барпо этиш, шунингдек, сув мониторингини ташкил этиш борасида муайян ишлар бажариладигани тасдиқланди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2002 йилнинг

6 октябрида қабул қилинган Орол денгизи ҳавзасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий тангликка барҳам бериш борасидаги Душанбе декларацияси тўла-тўқис қўллаб-қувватланди. Қонунчилик фаолиятида Оролбўйига дахлдор ижтимоий-иқтисодий, табиатни қайта тиклаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш учун экологик стратегияни уйғунлаштиришни янада қўпайтириш, халқаро ташкилотлар ва донорлар жалб этишга амалий кўмак бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинди.

ПАХТАКОРАЛАР КЕНГАШИ

ҚАШҚАДАРҲ (ЎЗА, А. МУҲАММАДИЕВ). Қарши туманидаги Чўли ота ширкат ҳўжалигида виллоят киш-лоқ ҳўжалик ходимлари кенгаши бўлиб ўтди. Унда виллоят пахтачилигидаги бугунги аҳвол, соҳада амалга ошириладиган илохотларнинг боришига оид масалалар муҳокама этилди. Кенгашни Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бир неча кун давомида виллоят киш-лоқ ҳўжалиги тизимидagi аҳволни ўрганиб чиққан республика ишчи гуруҳининг ахбороти тингиланди. Унда пахта далаларида етарлича кўчат ундириб олингани, бирок жойларда ҳосил тўплаш кечикаётгани тасдиқланди. Бир қатор ҳўжаликларда қўлтияти сифатсиз ўтказилгани боис гўзалар ривож мўлдатилган кечикмоқда. Гўзор, Миришкор, Чироқчи, Яқкабоғ туманларида гўза минерал ўғитлар билан етарли даражада озиклантирилмаган, ўз вақтида суғорилмаган. Бу айни фарсел пайтада ҳосилнинг тўқилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Айрим туманларда кўсак қурти гўзага яқин зарар етказаяпти. Биолобараториялар иши талабга мувофиқ жавоб берайди. Миришкор туманидаги етти биолобараторияда атиги тўрт килограмм трихоманга тайёрланган. Бу тўрт ми гектар ерга етади, ҳоло. Туманда эса 23 ми гектар майдонда гўза парваришланмоқда.

Кенгашда виллоятда гўза парваришини қўпайтириш юзасидан тегишли ташкилот ва ҳўжаликлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди. Кенгашда виллоят ҳўкимини Н.Зайнвев иштирок этиди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ


ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Нодирбек Улжабоев). Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорлик қўлими тобора кенгайиб бораётди. Бунинг АҚШ давлат департаментининг 2000 йилнинг апрелида мамлакатимизда фаолият бошлаган "Экспорт назорати ва чегара хавфсизлиги" дастури (EXBS) доирасидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

АҚШ ҳўкумати томонидан Ўзбекистон Республикасини Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи Қўмитага УАЗ рўсумидаги 146 автомашинани топшириш маросими бўлиб ўтди.

Умумий қиймати 800 ми гектар АҚШ долларига тенг мақзур автомашиналар EXBS дастури доирасида тақдим этилди. Улар божхона ходимлари ва чегарачиларга ўз вазифасини бажаришида жуда қўл келди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасини Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Партиев ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раисининг ўринбосари Р.Хабиев, АҚШнинг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Дэвид Эпштейн мамлакатларимиз ҳамкорлиги қўллаб-қувватлаш, жумладан, хавфсизликни таъминлаш борасида ҳам илҳомли ривожланиб бораётганини тасдиқлади. (ЎЗА).

Сурхондарёда пахта очилди



Тўхта Шобуров номли ширкат ҳўжалигидаги пудратчиси Турдумор Абдурашодовнинг қай-қийинти кўрсатиши. Аяло! Чунки 20 июлга келиб унинг даласида пахта очилди бошланди. Бу — яхшиликдан нишон. Орадан кўп ўтмай қўшни дала, қўшни ҳўжалик ҳам пахта очилди. Ва кубонанидан чарчоқлари ёниб, деҳқон габидаги ишларини ҳам ола-тобиди адо этиди.

— Давлатта 345 ми гектар пахта сотиш шартномасини сўзсиз бажариш учун ҳосил тўпламоқдамиз, — деди виллоят киш-лоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ш. Орипов. — Агротехникага тегишли барча тадбирлар сифатли амалга оширилмоқда. Пахта йиғим-теримига тайёргарлик юмушларини бошлапмиз.

Деҳқон ҳам лекин буш келмади. Гўё қўёшни измига бўйсиндириб ишлади. Бугунги кунда воҳадаги 120 ми гектар майдонда ўстириладиган гўзанинг ҳосил тугиши ёмон эмас. Жарқўрган туманидаги

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аниқ, асосли, истиқболли

режаларгина хусусийлаштиришда сонга эмас, сифатга хизмат қилади

«Илохотларнинг ҳозирги босқичидаги ўта муҳим масала — хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва ана шу асосда хусусий корхоналарни тузишга кенг шароит тугдириб беришдан иборат, — деб таъкидлади Президентимиз мажлисида. — Эътироф этиш кераки, жорий йилда бу жараёнлар анча жадал бормоқда».

Агар мамлакатимизда бундан 11 йил аввал мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича давлат дастурларини бажаришга киришилгани ҳисобга олинса, ўтган даврда Самарқанд виллоятда ҳам иқтисодий илохотларнинг бу бўғинида кўпгина ижобий ишлар бажарилгани кўзга ташланади. Муҳими, иқтисодиётимизда хусусий секторнинг ўз улуши пай-

до бўлди ва бу улуш тобора ошиб бормоқда. Лекин ана шу жараёнда бир қатор муаммолар ҳам мавжудки, уларни бартараф этмасдан туриб, хусусийлаштиришда ижобий натижаларга тўла эришиб бўлмайди. Масалан, бугунги кунда виллоятда 550 та акциядорлик жамияти бўлиб, улар Низом жамғармаси, акциядорлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қила-

ди. Яъни, бирида низом жамғармаси анча кам, сотувга чиқарилган акциялар миқдори оз бўлса, бошқаларида акциядорлар сони 4-10 нафардан ошмайди. Бундай шароитда ушбу акциядорлик жамиятлари катта одамлар ташлай олади, дейиш мумкинми? Афсуски, йўқ. Аксинча, бу ҳолатда ҳатто жамиятнинг бошқариш қўниятилари ҳам бузилгани аниқ.

Президентимизнинг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тўбдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида Низом жамғармаси 50 ми гектар АҚШ долларига эквивалент бўлган сўмдан кам акциядорлик жамиятларида, агар жамият давлатлик шаклида акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган, кичик ёки хусусий корхоналар иқтисодиётимиз раванқига баҳоли қудрат ҳисса қўшиши нари турсин, ҳатто банкрот, деб эътироф этиладигани қандай изоҳлаш мумкин? Самарқандда ҳам бундай ҳолатлар учраб турибди. Мулкчилик шакли ўзгарган корхоналарда олға силжиш бўлмаётгани ёки синий ҳолатларнинг сабаблари турлича. Кўпичинча хусусийлаштириш жараёнининг шома-шошарлик билан, корхона истиқболли аниқ ҳисобга олинмай ўтказилгани ана шундай салбий ҳолатларни келтириб чиқараяпти.

давом этмоқда. Аммо бу ерда сон ҳақида эмас, кўпроқ сифат ҳақида ўйлаш керакка ўхшайди. Негаки, табиий савол туғилди: давлат тасарруфидан чиқарилган мулк қай шаклда бўлмасин, унинг истиқболли қандай бўлади? Қанчадан-қанча акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган, кичик ёки хусусий корхоналар иқтисодиётимиз раванқига баҳоли қудрат ҳисса қўшиши нари турсин, ҳатто банкрот, деб эътироф этиладигани қандай изоҳлаш мумкин?

Самарқандда ҳам бундай ҳолатлар учраб турибди. Мулкчилик шакли ўзгарган корхоналарда олға силжиш бўлмаётгани ёки синий ҳолатларнинг сабаблари турлича. Кўпичинча хусусийлаштириш жараёнининг шома-шошарлик билан, корхона истиқболли аниқ ҳисобга олинмай ўтказилгани ана шундай салбий ҳолатларни келтириб чиқараяпти. (Давоми 2-бетда).

Глобал таълим тизимига бағишланади

Унда Канаданинг глобал таълим халқаро институти мутахассислари, юртимиз мактабларидан 80 нафар педагог иштирок этиди. Анжуман республикаимизда глобал таълимни такомиллаштириш ва унинг ўқув дастурларини уйғунлаштириш мақсадида ташкил этилди. Семинар ноанъанавий услубда ташкил этилган бўлиб, ҳар бир қатнашчига ўз фикрини тўлиқ баён этиш, дарс бериш услуби билан ҳамкасбларини таништириш, шунингдек, қизқарди ўқув материалларини тайёрлашга имкон берди. «Туркистон пресс».

Пойтахтимизда

Фотосанъатимизнинг халқаро эътирофи

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Назолат УСМОНОВА). Тошкент фотосуратлар уйи Халқаро бадиий фото федерацияси — FIAРга аъзо сифатида қабул қилинди. Бу юртимизда санъат ривожига қаратилган катта эътибор, тасвирий санъат соҳаси ана шу йўналишининг ўзига хос салоҳияти, турли бадиий кўргазмаларнинг юксак савияда ўтказилаётгани эътирофидир. Айтиш жоизки, бугунги кунда жаҳондаги энг йирик фотокўргазмалар, фотосанъатлар ушбу халқаро ташкилот ҳўмылигида ўтади. Ҳозир бу нуфузли ташкилотта 85 дан зиёд мамлакат бадиий фото ташкилотлари аъзо ҳисобланади.

Тошкент фотосуратлар уйининг мақзур нуфузли ташкилотта аъзо бўлиши бадиий фото оламида, жаҳонда рўй бераётган турли йиғилишлардан бохабар бўлиш, халқаро танлов ва кўргазмаларда, лойиҳаларда кенгрок қатнашиш имконини беради. Шунини диққатга сазоворки, Абдувоҳид Тураев, Виктор Ан, Константин Миняйченко каби ўн нафар ижодкор FIAР томонидан Ўзбекистоннинг энг моҳир фотостаси сифатида эътироф этилди. Миллий фото санъатимиз илдизлари юз йиллик тарихга эга. Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг барча йўналишлари сингари, бадиий фото раванқига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясида фото секцияси ташкил этилди. 2001 йилда эса у Тошкент фотосуратлар уйига айлантирилди. Фотография соҳасида илзанаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш, соҳада ўзаро таъриба ва фикр алмашиш борасида ушбу муассасанинг ўзига хос ҳиссаси бор. Утган давр мубайнида бу ерда мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёбда турли кўргазмалар, фотосанъатлар ташкил этилди. «Она шахрим — гўзал Тошкентим», «Муътабар қарияларимиз», «Нур ва соя нафосати», «Ўзбекистон фотосуратчилари - 2002» каби қўллаб-қўргазмалар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда Тошкент фотосуратлар уйи «Обод маҳалла йили» дастури ижроси бўйича «Мен яшаётган маҳалла», «Сув — ҳаёт» каби бир қанча ташкилотлар ўтказмоқда. Дастур доирасида август-сентябрь ойларида НАТО ва Европарламентнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ўзбек фотосуратлари ижод намуналари асосида «Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва одатлар» мавзусида бадиий кўргазма ташкил этилди.

Жойлардан хабарлар

Қашқадарёнинг юксак хирмони

Мамлакатимизда энг кўп галла етиштирадиган Қашқадарё виллоят деҳқонлари давлат дои сотиш шартнома-режасини бажарди. Қабул пунктларига 364 ми гектар 700 тонна сара дои етказиб берилди. Қашқадарёликлар воҳа тарихида энг юксак хирмон уйд. Қарши, Касби, Гўзор, Миришкор, Шахрисабз, Яқкабоғ тумани галлакорлари ҳар гектар майдондан ўртача 40-50 центнердан ҳосил кўтарди.

Кўргазма ярмаркага айланди

Хоразм виллоят биржа марказида «Узентла-ноат» Давлат акционерлик компаниясининг йиғирмадан зиёд корхонасида ишлаб чиқариладиган



«Халқ сўзи»нинг шу йилги 28 март сониди ериштирган «Кутубхонада китоб сотиладими?» сарлавҳали мақола Шайхонтоҳур тумани Маданият ишлари бўлими, Маданият уйлари, бошқариш кўмаклашиши, марказий кутубхона ва унинг шох-бобчалари раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинди. Шу жараёнда муаллиф ниятида долзарб масалани кўтариб чиққани эътироф этилиб, кутубхоналар талаби

спорт кийимлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда компания тизимидagi корхоналарнинг 700 турли турли спорт кийимлари намойиш этилди. Кўргазма сўнггида ташкил этилган улутриж савдо ярмаркасида хорж маҳсулотлари билан беллаша оладиган ушбу маҳсулотлар ўз харидорларини топди. Барча корхоналар ишончли ҳамкорлик бўдилар. (ЎЗА).

Француз тарбиячи

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган франциялик волонтерлар ёғи таътил максумида болалар оромгоҳларида ишламоқда. Лион университетининг 5-курс талабаси Донасен Веран Булоқбон туманидаги лагерлардан бирида болалар тарбияси билан шугулланмоқда. У Фарона водийсига Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида француз тилини ўқитиш бўйича Бутунжаҳон уюшмаси йўлнамаси билан келган. Волонтерлар француз тилини ўргатиш ёрдамида халқлар дўстлиги ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашни ҳам ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. «Туркистон-пресс».

КУТУБХОНАЛАР ИШИ ЯХШИЛАНАДИ

асосида иш юритиш кутубхона ходимларининг муҳим вазифаси эканлиги тасдиқланди. Уларга ҳамisha хушмуомала бўлишлари, мижозлар илтимосини тез ва қўниладиган бажаришлари лозимлиги тушултирилди. Зей масканларига кенг китобхоналар оммасини жалб этиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида, Тошкент шаҳар Маданият ишлари Бош бошқармасининг 2001 йил 11 январдаги 50-сонли буйруғига асосан, туман марказий кутубхонаси ва унинг бўлимларида пушлик кизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, тумандаги кутубхоналарнинг аксарияти болалар ва ўсмирларга мўлжалланган. Шу боис талабаларга ҳозирга қадар бирон-бир китоб пул эвазига берилмаган. У. АБДУЛЛАЕВ, Шайхонтоҳур тумани ҳўкимини ўринбосари.

ОГОҲЛИК МАСЪУЛИЯТДОР

НАВОИЙ. (ЎЗА мухбири Еркул УМАР). Виллоят фаолларининг навбатдаги йиғилиши «Огоҳлик масъулиятдори» деган мавзуга бағишланди.

Эл-юрт осойишталигини, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш фақат ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимларининг эмас, шу юрда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Таъдирга сўзга чиққанлар ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни ва вазифалари, мустақилликни мустаҳкамлаш, тиричиликни таъминлаш борасида ҳўқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги масалалари хусусида гапирди.

Дунёнинг турли бурчакларида террорчи гўдалар инсониятта жиддий хавф солиб, ваҳишона жиноятларга қўл урмоқда. Оқибатда минглаб беғунох одамлар қурбон бўляпти. Биз бунга бефарқ қараб туролмаймиз, деб таъкидланди таъдирда. Негаки, бу хавфдан йироқмиз, бизга бунинг дахли йўқ, деб лояқалликка берилишига ҳўқимиз йўқ. Йиғилишда маҳалла оқсоқоллари, ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жамоатчилик вакиллари бугунги кунда ёшларнинг жиноятчилик, ақидабарастлик, гўвҳарлик каби иллатлар домига тушиб қолганидан асраш, улар онгиди янгича дунёқарашини шакллантириш, юртта савоқат, фидойилик, ватанпарварлик туйғуларини янада қўпайтириш лозимлигини таъкидланди. Йиғилишда Навоий виллоят ҳўкимини Б.Рузиев иштирок этиди.

ШОНЧИ БУТУН ОДАМ

Маҳалла деганлари шундай жойки, яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир зумда тарқайди, дилингдагини айтсангиз, ҳам кўзингиздан биллиб олишадди. Тўй қилсангиз борми, хабарчи шарт эмас — келаверишадди, кимдир бир бог пиёз, қайси бири бир даста гул билан, тўйга тўёна-да.

«Янгитурмуш» маҳалласида хушхабар тарқалди: «Уйингоҳ барпо қилинармиш, бир тарфида катта теннис корти ҳам бунёд этилармиш». Бу миш-миши эшитиб, кўл силтаганлар ҳам бўлди: «Кимнинг чўнгаги тешилибди, ахир уйингоҳ барпо этиш чакана иш эмас, тоғилмаса керак бунақа тантилари».

Болалар спорти

Ёшлар эса бир суюнишди, бир суюнишди: «Бобоқул ака айтган гапининг устидан чиқадиганлардан, биз у кишига ишонамиз».

Бобоқул ака Йўлдошев мустақиллигининг ilk йилларидан Қорақўлда биринчилардан бўлиб тадбиркорликка кўл урганлардан. Камалакдек товланувчи сур, серозни, антиқа қалами ва дона гулли қорақўл териларнинг таърифи етти иқлимга кетган. Бобоқул аканинг худди ана шундай бурама-бурама, жингалек бўлган териларни қайта ишловчи корхонаси бор. Корхонада қирқдан ортиқ ёшлар меҳнат қилишадди. Маҳсулот эса четга экспорт қилинмоқда.

Корхона соҳибининг ҳаёлини эса шу тобада бошқа ташвиш банд этган. Айтиб кўйди-да, бир уйингоҳ барпо этаман деб, энди шайти қайтса, ким деган одам бўлади. Раиснинг ёнига борди, ётиги билан тушунтирди. Раис ҳам тўнни тескари кийиб олган эканми, ортиқча ер йўқ, томорқачиларга тоғиб беролмайман-ку,

деб зарда қилди. Яна борди, раис бу сафар гапни чўрт кесди-қўйди: «Сизга ер йўқ, вассалом!» Бобоқул ака ҳам бир қизиди, бир кўтарилиди, бир кўпирди: «Нега бўлмас экан, Дабоққи қишлоғидан ҳар кун ўтиб қайтасиз, катта йўл ёқасидаги чакалакзор, ташландик ерни орқалаб кетмокчимисиз бирор жойга...»

Хуллас, раис билан ора очилди, ишга қиршилди, ёшу қари ҳаҳшара чикди. Кунлар кўчирилиб, майдон текисланди, чим ёқизилди. Тошоабдиллар ўтириши учун ўриндиқлар ҳозирланди. Дарвозалар ўрнатилди, уйингоҳ тайёр ҳолга келтирилди. Уйингоҳнинг ён тарафида катта теннис корти ҳам бунёд этилди.

Буларнинг барини бир нафасда айтсангиз-да, лекин бунёдкорликка қанча мабулағ сарфланганини айтиб ўтирмайлик. Маҳалладаги одамларнинг саъй-ҳаракати, ҳамжихатлигининг самараси

бу. Дабоққи қишлоғига бир келсангиз, уйингоҳдаги ёшларни кўриб, сиз ҳам шундай бир хайрли иш бошлашни ниёт қилсангиз, ажаб эмас.

Дарвоқе, мана, икки йил бўлибдики, бобомиз Амир Темур таваллуд топган кун — 9 апрелда тадбиркор Бобоқул Йўлдошев янги уйингоҳда халққа ош тортади, катта кураш мусобақаси ўтказилди, керак бўлса, ўзи ҳам бел боғлаб курашга тушади. У ёниги сўрасангиз, бу ерда Қорақўлда кураш тушмаганини ўзи йўқ. Сураб-сурабтирсангиз, ҳар бири бобоқалони полвон ўтганлиги билан гурунланганида. Кураги ерга тегмаган Ҳасан полвон ёки машҳур Юсуповлар сулоласи ҳақида ким ҳам билмайди, дейсиз? Бобоқул аканинг 2001 йилда босмадан чиққан китоби ҳам «Қорақўл полвонлари» деб номлангани бежиз эмас. Уша йили бу инсон ҳаётида яна

бир қувончи воқеа рўй берди: у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

— Бир ниҳоят бор, — дейди тадбиркор. — Қишлоқ ёшлари учун спорт комплексининг пойдеворини қўймоқчимиз. Ахир, ўсиб-ўлғайиб келаётган ёшлар бақувват бўлишса, келажатимиз ҳам, давлатимиз ҳам юксалиб бораверади.

Сўзимиз аввалида маҳалла ҳақида гап очиб эдик. Бобоқул Йўлдошев ҳам «Янгитурмуш» маҳалласининг бир аъзоси, тадбиркор. Тадбиркорки, топган-тутганини ўзининг ҳузур-ҳаловати учунгина сарф этилганлиги ҳилдан эмас. Маҳалласи, болалар учун барпо қилинган уйингоҳда тўп сураётган ёшларга қараб кўнгли айрайди. Улардан чемпионлар чиқишига ҳам ишонади. Ишончи бутун одамнинг эса орзулари ушалаверади.

Ҳасан АРАБОВ,
Қорақўл тумани.

Айни пайтда мамлакатимизда оилаларни оммавий спортга жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳар бир болакай дастлабки ҳаёт сабақларини айнан оиладан олади. Соғлом турмуш тарзига амал қилган оилаларнинг фарзандлари соғлом, комил инсон бўлиб воғта етади. Шу мақсадда 2003 йил — Обод маҳалла йилида Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди.


СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

тумани ва вилоятлар миқёсида бўлган беллашуларда голлиб чиққан энг кучли оилавий жамоалар якуний босқичда тўсиқлар оша эстафета, чаққон ва мерган, моҳир ҳужумчи, арқон тортиш, овиқлар ўйини, кегли ўйини, ким чаққон каби ўйин турлари бўйича кўч синашди. Мусобақаларда Қашқадарё вилояти, Муборак тумани «Машъад» маҳалласи вакили Комилжон Емиров оиласи «Соғлом оила» мусобақаси голлиб бўлди.

тумани «Тинчлик» маҳалласида яшовчи Исмаилов Бўриев оиласига иккинчи ўрин насиб қилган бўлса, Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани «Янгитўёқ» маҳалла фуқаролар йиғинидан Азамат Юсуфжон оиласи учинчи логонга кўтарилди.

— Мамлакатимизда оммавий спортга берилётган эътибор туфайли чекка қишлоқлардаги юрдошларимиз ҳам спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмоқда. Асосийси, бунга етарликам имконият яратилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармон чиққан сўнг бизнинг маҳаллада янги спорт майдончалари, сув ҳавзаси барпо этилди. Айни пайтда маҳалладошларимиз футбол, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, кураш ва сузишга қатнашмоқда.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
Ўза мухбири.



Обод маҳалла

Мирзаобод маҳалласи «ЎздЭУ» автокорхонаси билан ёнма-ён жойлашган. Дунёга машҳур ушбу автокорхонанинг маҳалламиз ижтимоий-иқтисодий турмушига таъсири, айниқса, юқори. Деярли барча ёшлар иш билан таъминланган. Маҳалла ободлигида мазкур корхонанинг ҳам ҳиссаси беқийс. Яқинда маҳалламиз оқсоқуллари корхона матбурияти билан келишган ҳолда янги ташаббус билан чиқдилар. Унга кўра ҳафтанинг ҳар жума кuni «Оммавий ҳашар кuni» деб эълон қилинди. Энг обод маҳалла номини олган маҳалламиз янада обод бўлиши, шубҳасиз.

Мирозид МУХИДИНОВ,
Андижон вилояти.

Кўш Ғалаба

Дўстлик тумани ғалакорлари давлатга 35,5 минг тоннадан зиёд тон ширини, шартнома режасини муваффақиятли удаладилар. «Асал бобо», «Бекзодбек М-11», «Жаҳонгир-Д», «Ақбаржон», «Фарход-Р», «Мирвоҳид» каби ўнлаб фермер хўжалиқларида ҳар гектар ердан 60 центнердан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Мутахассисларнинг фикрича, бу йил тармоқдан 1 миллиард 200 миллион сўм даромад қўрилиши кутилмоқда.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юқори Чирчиқ тумани ғалакорлари давлатга 27208 тонна ўрнига 31837 тонна дон топириб, шартномавий режани ортиги билан адо этишди. Ҳар гектар майдондан ўртача 51 центнердан ҳосил олинди. Бу кўрсаткич айрим пудратчиларнинг далаларида 63-70 центнерни ташкил қилди.

Эришилган муваффақиятга «Гулистон», «Ўзбекистон», А. Ясавий номи, ЙИК ота номи, «Туркистон» ширкат хўжалиқларларининг ғалакорлари муносиб улшў қўшилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

СУРАТДА: Туманинг «Жаҳонгир» фермер хўжалиғида ҳам бу йил ғалаба мўл бўлди. Комбайнчи-оператор Ваҳоб Мирҳашимов, ҳайдовчи Маҳмуд Сатторов ва фермер Камол Шариповлар ўз меҳнатлари натижасидан мамун.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ

Тошкент вилояти, Зангиота тумани жиноят ишлари бўйича 2-таркибли ва 4-таркибли фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судларига ҳар бири учун 2 қаватдан иборат бўлган замонавий биноларни қисқа муддатда қуриш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов савдоси (тендер)

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Савдога қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун бинолар қисқа муддатда қуриб битирилиши назарда тутилганлигини инобатга олиб, сўровнома билан тендер ташкилотчиси — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жойлашган:

Тошкент ш., Яққасарой тумани, Усмон Носир к., 3-уй,
3-қаватга мурожаат қилиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: 152-73-43, 53-60-30, 53-08-78.

Ўзбекистон банклари:

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР САРИ ЙЎЛ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган даври мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда катта ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, республикамизда ривожланган банк инфратузилмасини яратиш, кадрлар тайёрлаш тизимини вужудга келтириш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, миллий банк тизимини жаҳон банклари ҳамжамиятига интеграциялаштириш, банк хизматини такомиллаштириш борасида салмоқли қадамлар ташланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 1994 йилда миллий валютанинг «сўм»нинг муомаласига кириштирилиши Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг вужудга келишига ва уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Бунда ҳукуматимиз томонидан банк тизими учун миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Ҳамдўстлик Давлатларида факатгина Ўзбекистонда аҳоли омонатларининг 1992 йил 1 февраль ҳолатидаги қолдиги 4 минг маротаба кўпайтирилиб, индексация қилиб берилди. Шунингдек, биринчилардан бўлиб республикамизда аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимининг ҳуқуқий асосини яратиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинди ва шу тариқа аҳолининг банклардаги маблағларини Қонун асосида кафолатлаш механизми яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш омили ташкил этилди.

аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишдаги ҳаракатлар банкларда омонатлар қолдириниб кескин ўсиши учун имкониятлар яратди. Шунингдек, банклар томонидан юқори даромадли янги турдаги омонатларни жорий қилиш билан бир қаторда уларни пластик картчаларга ҳамда «коммунал тўловлар учун» махсус омонатларига маблағларни жалб қилмоқда. Мазкур омонатларнинг жорий этилиши билан омонатчилар улардан олинганлар даромадлардан коммунал хизматлар, электр энергия ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишди.

Бугунги кунда республикамизда 181 мингта аҳоли аҳоли пластик картчалар тизимидан фойдаланмоқда. Бунда омонатчи жамғармасини фақатгина банкда сақлаш эмас, балки пластик картчаларда жойлаштириш орқали ҳам қўзланган фойдаланишни олиши ва ушбу пул маблағларидан қулайлик ҳисоб-китобларини амалга ошириш боричи имкониятига ҳам эга.

Утган давр мобайнида тижорат банклари ресурслари, хусусан, жисмоний шахслар депозитларининг салмоғи ортиб борибди. Мисол учун аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиги 2000 йилнинг биринчи январига нисбатан 9,3 баробарга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса қарийб 44 фоизга ортиб, жорий йилнинг биринчи июль ҳолатига 190,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Ривожланган мамлакатлар таърибидан маълумки, кичик ва ўрта бизнес субъектлари йиллик корхоналардан фарқи равишда капитал маблағлар сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартириши, ишлаб чиқариш технологиясининг жадал модернизация қилиш имкониятига эга. Мамлакатимизда ҳам жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш босқичида ишлаб чиқариш маҳсулотлар сифатини ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирива кичик ва ўрта бизнеснинг ролига катта аҳамият

берилмоқда. Банкларнинг ресурслари аҳоли омонатларини жалб қилиш орқали мустаҳкамлаб борилиши, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ишлаб чиқаришга илгор технологияларни жорий қилиш, инвестиция лойиҳаларини кредитлаш имкониятларини янада кенгайтиришга, уларни ривожлантириш, кўрсатилган банк хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда бериётган кредитлар ҳажмини оширишга йўналтирилган. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига қулайлик яратиш мақсадида метёрий-ҳуқуқий база мунтазам равишда такомиллаштириляпти. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фермер, деҳқон хўжалиқларини кредитлаш бўйича ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнини содда-лаштирилди. Тижорат банкларининг кредит амалиётларини тартибга солиш метёрий ҳужжатларини бекор қилиниб, кредитлашнинг ягона содда-лаштирилган тартиби ишлаб чиқилди. Унга кўра кредит олувчилардан анча кам миқдорда ҳужжатлар талаб қилинди.

Иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмавлари қолдирини таъминлаш ҳамда акциядорлар мақсадида банкларда кредит сибэти йўналтирилган ҳар йили мустақил равишда ишлаб чиқилди ва тасдиқланган амалда жорий қилинди.

Марказий банкнинг пул-кредит сибэтининг юритиш борасидаги фаолиятини инфляция даражасини пасайтириш билан бир қаторда, иқтисодийнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятини берди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий фаолиятини кучайтиришга, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтириладиган кредит маблағларини қўлайлиги имкон яратди.

Бу борада рақамларга мурожаат қилганимиз бўлса, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 125,5 миллиард сўмни ташкил этди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат

банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қатнашишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 195-сонли қарорига асосан банкларда ташкил этилган Иштиёли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан жорий йилнинг 6 ойи давомида ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,3 миллиард сўм ёки 62 фоизга, йил бошига нисбатан эса 5,5 миллиард сўмга ёки 17,5 фоизга ўсиб, 37,2 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур кредитлар маҳаллий хомашини қайта ишлаш ҳисобига экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун таёёрланган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

«Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жалдий эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда ажратилган 41 миллиард сўмлик кредитлар ҳисобига республикамиз маҳаллаларида 20844 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўрта ва узоқ муддатта хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар экспортга мўлжалланган ва импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғини маҳсулотлари ва бошқа маҳаллий хомаше ресурсларини қайта ишлаш, маҳаллий ва экспорт саноатини учун деталлар, узеллар ҳамда қулайлик эҳтиёж учун халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқариш назарда тутилган инвестицион лойиҳаларни жорий этиш мақсадида берилмоқда.

Ҳозирги кунда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкки, «Пахтабанк», «Саноат-қурилишбанк», «Асқабанк», «Узприватбанк», «Узўйбой-жамғармабанк», Ипак йўли банкларини, «Парниабанк» ва «Хамкорбанк» кичик ва ўрта бизнес субъектларини инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари очилган.

Бугунги кунда ўзлаштирилган кредит линиялари ҳисобига 8,5 миллиард ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Натияжада, маҳаллий хомашини қайта ишлаш эвазига жами 44148,4 миллион сўм миқдориди ҳақ истеъмолчи моллар ишлаб чиқарилиб, унинг 3909,6 миллион сўмлик маҳсулотини ички бозорда сотилди; 6339 минг АҚШ доллари миқдориди маҳсулот эса экспорт қилинди.

Энг асосийси, ушбу соҳада олиб бориладиган ишлар натижасида хусусий секторнинг мамлакатимизда ишлаб чиқаришда янги ички маҳсулот ҳажмидаги улushi 34,6 фоизга

етди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Европа Тикланиши ва тараққийёт банки билан ҳамкорликни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан кичик ва ўрта бизнесни кенг қуламда ривожлантириш ҳамда Япония-Ўзбекистон дастурий амалга ошириш учун икки босқичда 40 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит лийниси очилди.

Ушбу дастур бўйича микрокредитлар асосан савдо фаолиятини ташкил этиш, айланма маблағларни тўлдирish, кичик ускуналарни харид қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун берилмоқда.

Ташкилланган жонки, Европа Тикланиши ва тараққийёт банки кредит лийнисиини очиб бўйича «Пахтабанк» (7 миллион), «Хамкорбанк» (2 миллион АҚШ доллари) билан имзоланган келишувларга мувофиқ, кредит лийниси ҳисобидан ўзлаштирилган маблағлар миқдори 1 миллион 250 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Шу жумладан, ушбу дастур доирасида «Уйғайжам-гармабанк» ҳамда Ипак йўли банкки томонидан таъриба асосида Тошкент шаҳри ва Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятларида банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 694 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Бу жараён Европа Тикланиши ва тараққийёт банки экспертлари томонидан ижобий баҳоланиб, ушбу банклар билан молиявий кўмак шартлари ва кредит лийниси битимларини тузиш бўйича келишиб олинди.

Юқорида қайд этилганлардан кўринидаки, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун бериладиган кредитлар миқдорини янада ошириб бориш олдимида қўйилган асосий вазифаларни сирасига кирлади. Зеро, иқтисодий-иқтисодий тараққийётнинг босқичида ички амалга ошириладиган иқтисодий ислоҳларнинг муваффақияти кўп ҳисобланган ана шунларга боғлиқ.

Қ. РОФИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосори,

Ф. БОҚИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент директори.

SHAYHONTOHUR TEXTILE
AYGEN COLLECTION
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:
Аёллар, болалар ва эркеклар учун юқори сифатли спорт ва трикотаж кийимлари.
Тадбиркорларни Ўзбекистон ва МДХ бўйича дистрибуторликка таклиф этамиз.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1-уй.
Тел.: 116-86-57. Факс: 116-86-53.
Мулоқот учун шахс: Абдуллоҳ Ибрагимов.
E-mail: shayhontohur.textil@uzpak.uz www.shayhontohur.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
бўш (вакант) кафедра мудири, бош ва етакчи ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади:
• она тили ва адабиёт кафедрасига мудар (1), ўқитувчилар (8);
• хорижий тил кафедрасига мудар (1), ўқитувчилар (13);
• аниқ фанлар кафедрасига мудар (1), ўқитувчилар (8);
• жисмоний тарбия ва ЎТ кафедрасига мудар (1), ўқитувчилар (6);
• тарих ва махсус фанлар кафедрасига мудар (1), ўқитувчилар (8).
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
- лицей директори номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумот, илмий даража ҳақидаги дипломлар, илмий унвон ҳақидаги аттестат нусхалари;
- илмий ишлар рўйхати;
- соғлиғи тўғрисида маълумотнома;
- маъруза матнлари (ўқитувчилар учун).
Танловга ҳужжатлар лотин ёзувида тақдим этилади.
Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 25 кун.
Манзил: 700195, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй, кадрлар бўлими.
Телефонлар: 35-67-38, 35-67-41.

31 август — Катагон қурбонларини ёдга олиш куни

Маълумки, ўтган асрнинг 30-50 йилларида бутун СССРда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам тоталитар тузум сиёсатининг зуғумлари исканжасида жуда кўплаб давлат, жамоат арбоблари, олимлар ва ёзувчилар, танikli маориф, маданият ходимлари беғунох тухматларга учраб, жисмоний ҳамда маънавий қийноқ ва таъжирларни бошдан кечирдилар. Улар орасида турли миллат вакиллари бор эди. Шулардан бири Бася Матқул (Бася Овсеевна Райбман) эди.

У асли литваллик бўлиб, 1900 йилнинг 24 февралда кевнолик савдогар оиласида тавалуд топган. Аввал бошланғич мактабда, 1914 йилда қизлар гимназиясида ўқиди. 1917 йилда отаси вафотидан кейин моддий жиҳатдан қийналиб қолади. У жуда иқтидорли ўқувчи эди. Қандай бўлмасин, ўқиниш давом эттириш мақсадида ишга кириб, маблғул тўплай бошлайди. 1923 йили ўз кучи билан ишлаб топган маблғуларни ҳисобга Германияга ўқиганига боради. У 1923-1930 йилларда Берлин университетининг кимё факультетига ўқийди ва шу йилларда Берлин Олий техника мактабига ўқитган ўзбекистонлик Султон Матқул билан танишиб, кейинчалик унга турмушга чиқади. 1931 йили икковлари Ўзбекистонга қайтиб, республиканинг кимё ва энергетика соҳаларини ривожлантириш борасида фаол ишлай бошлайдилар. Султон Матқул давлат Ўзбекистон энергетика бошқармасида бош муҳандис, кейинчалик эса Ўзбекистон Халқ комиссарлар кенгаши раисининг ўринбосари сифатида, машҳур олим ва зиёлилар — Отагон Хошимов, Фитрат, Ойбек, Ғоzi Олим Юнусов, Холи Зарифов ва бошқалар билан ҳамкорликда илмий ишларга раҳбарлик қилади. Бася хоним Матқулов эса Ўзбекистонда кимё фанини ривожлантириш ишларида катнашади. Республикада таъкил этилган маҳаллий кимё-санаят илмий-тадқиқот институти (кейинчалик — 1939 йилдан бошлаб СССР ФА Ўзбекистон филиалининг кимё институти)да илмий ходим сифатида фаол иш олиб боради.



Катта мусобақа олдидан

Фаргона водийсида хонободлик полковларга ўзгача назар билан қарашиди: чапдаст, ечимас, кураги ерга тегмаган, гурури полковлар. Яқинда Хонобод шахрида икки минг уринчи спорт мажмуасининг ишга туширилиши эса, Андижон вилоятида номдор спортчилар сафининг янада ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Мажмуада вилоят миқёсидаги турли спорт мусобақалари ўтказилаётди. Айни кунларда бу ерда Президент сарфини учун ўтказилмақда мусобақаларга тайёргарлик ишлари қилини. Сураткаш муҳбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов ошган ушбу суратда кураги ерга тегмаган полковлар Абдуғаффор Халиқов ва Абдурауф Салиевлар тасвирга туширилган.

«ХИИРАГИ» — мангулик демак

Бутун кунчиқар мамлакатта дунё аҳли ҳавас билан қарайди. У ерда турли соҳаларда эришялган ютуқлар, шубҳасиз, инсоният цивилизациясининг махсулидир. Лекин япон халқи бундай ривожланишга ўз-ўзидан эмас, балки тинимсиз меҳнат, ҳалоллик ила эришганини ҳам инкор этмаслик керак...

Такдимот

Одамнинг уруш атламини қора кулфатнинг нималгини аҳли биледи. У тубайли ватандан жуло бўлишдан оғир фожиа йўқ. Унга юрта ҳарбий асир сифатида олиб кетилиб, она юртдан жулолик бошлан кечирган, таъхир ва хўрашларга дуч келган япон биродарларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи «Хирига» номи янги ҳужжатли оммабоп фильмни томоша қилар эканмиз, кўнглимиздан шу тахил ўйлар кечди. Фильм такдимоти Ўзбекистон-Япония марказида бўлиб ўтди. Асарнинг «Хирига» деб номланишини изоҳлашдан аввал, бу сўзнинг маъносига эътибор қаратайлик. Японияда шундай номланувчи мангу яшайликка дахлдор ўсимлик бор экан. Доимо барқ уриб, тириклик рамзи сифатида чирой очиб турувчи бу ўсимлик номи фильм учун танлангани бежиз эмас. У икки халқ — ўзбек ва япон халқлари осомнидаги мусаффоликни ҳамда хур заминдаги фаровон ҳаётни ифодалайди.

Муборака ОХУНОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

тон Матқулнинг хотини, унинг миллатчилик айбларини яшириб келган, деган айб қўйилди. 1937 йил 30 сентябрда у ҳибсга олинди. Уйи тинтув қилиниб, ўзи ва эри Матқул Султоннинг Германияда

дай эди? Шу ҳақда гапириб беринг. **Жавоб:** — Шахсан менда уларнинг ҳаммаси ҳам яхши таассурот қолдирган. Уларнинг ҳаммаси ҳам СССРдаги ўз ишларидан мамнун эдилар. Уларнинг оғзидан бирор мартаба



МАТҚУЛ. Б. О. 1900. 1939

БАСЯ МАТҚУЛ ҚИСМАТИ


Ўқиган вақтларида тушган суратлари, дипломлари ва турли ёзишмалари, китоблари мусодаларга қилиниб, олиб кетилди. 3 йилли қизи Альмира ва эрининг жияни — 13 ёшли Башорат уйларида қайрилиб, қариндошлариникига юборилди. Уйига эса ҳеч қандай ҳужжатсиз бошқа киши кучиб келади. Бася Матқул 2 ой қамқоҳонада терговсиз ётади.

Нихоят, 1937 йил 25 ноябрда тергов ишлари бошланади. Терговчи Березников ундан эри билан қачон танишгани, Германияда ўқиган ўзбекистонлик талабаларнинг советларга қарши қандай ишлар олиб боргани ҳақида сўраштиради. Терговчи, айниқса, Бася хонимдан эри Матқул Султоннинг айбларини фоти қилиб беришини кўпроқ талаб қила бошлайди.

Мана, уша сўроқ протоколларида бири: **«Савол:** — Сиз Матқул Султонни қачондан бери биласиз?

Жавоб: — Матқул Султонни мен 1923 йил Берлинда студент бўлиб, ниямдан ва ўша вақтда у билан танишиб, 1929 йил унга турмушга чиққанмдан бери билмаман. Биз у билан 1930 йил ўқиниш битириб, бир йилча чамаси Берлинда ишладик. 1931 йили СССРга келиб, Москвада 2 ойча турдик, шундан сўнг Тошкентга келидик. **Савол:** — Матқул иккинчи айбоқчилик ишлари олиб борган деган сиёсий айб қўйилди. Бу тухмат ва таъжирлар Бася хонимнинг бошига яшн ургандай бўлади. 3 йилли қизи Альмира билан Тошкент қамқоҳонасига қатнаб, туну кунларини ғам-ҳасратда ўтказ бошлайди. Бу ҳам етмагандай 1937 йили 21 сентябрда унга ҳам «халқ душмани» Сул-

сийси мавзуда гап чиққанини билмайман... **Савол:** — Матқулнинг айбоқчилик ишлари ҳақида сизга нималар маълум?



Жавоб: — Мен Матқулнинг айбоқчилик фаолияти ҳақида ҳеч нарса билмайман. **Савол:** — Матқул революцияга қарши миллатчилик гаплари юритган. Шу ҳақда кўргазма беринг. **Жавоб:** — Мен Матқулдан бирор марта ҳам революцияга қарши гаплар эшитганим йўқ ва шунинг учун мен бу тўғрида ҳеч нарса айтмайман».

Шундан сўнг Басяни яна аватгада сақлашда давом этишди. Узоқ қийноқ-азоблар билан унинг иродасини букиш, қандай йўл билан бўлмасин, эри Султон Матқул ва ўзининг советларга қарши иш олиб борганини ҳақиқати тухматкорона айбларни буйига қўйиш-

билан рад этади. 1939 йил 15 февралда улар номлоқ Бася Овсеевна Матқулованинг тергов ишини тўқтатиб, уни қамқоқдан бўшатили ҳақида қарорга келишди. Лекин у қамқоқдан чиққандан кейин ҳам рўшнорлик кўрмайди. Унинг уйини республикадаги УРКМнинг бошлиғи бўлган Я.С.Голдинич деган киши сўрбетларча эгаллаб олган эди. Шунга қарамадан, Бася хоним СССР ва Ўзбекистон ҳуқуқ органларининг турли идораларига слиб-югуриб, уйини қайтаришга эришди. Бирок унинг бу қувончи ҳам узоққа чўзилмайдди. У яна қийинчилик ва азобларга дуч кела бошлайди.

Я.С.Голдинич турли совет идораларига Бася Матқулнинг ўзини эмас, унинг эри Султон Матқул ҳам советларнинг душмани бўлгани ва шу жиноятлари учун қамқоққа олинганлиги, шунинг учун халқ душманининг хотини ҳамда унинг фарзандлари ўз уйларидангина эмас, шаҳарда ҳам яшашлари мумкин эмаслиги, агар улар бу ерда яшасалар, одамлар орасида сиёсий зарари голларни тарқатиши мумкинлиги ҳақидаги юмалоқ гаплар йўллай бошлайди. Унинг бу ивгогарона хатлари охири ўзининг хунук оқибатларини беради ва 1942 йил 6 январда Тошкент шаҳар ижроия комитети Бася хоним Матқуловани ўзи ва Болаларининг бундан кейин Тошкентда яшаш мумкин эмаслиги, у факат Ўзбекистоннинг узоқ қишлоқ районига кетибгина истиқомат қилиши мумкинлиги ҳақида хабар беради. Бу хат унинг бошига муздек сув қуйилган гап эди. У шундан сўнг эрининг

Шерали ТУРДИЕВ.

Инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди

шифохоналарга, мактабларга ва бошқа ижтимоий объектларга, маҳаллалардаги ҳам таяминланган оилаларга топириллиши кўзда тутилган. Мазкур ёрдими ташкил этишда «Орол оналари ва болалари» широти остида ўтказилган умумреспублика экологик ҳаширидан

Тошкент вилояти кутубхоначилар уюшмаси ташаббуси билан Занавота туманида уч ойлик кутубхоначилар курслари ташкил этилди.

Кутубхоначилар машварати

Унда марказлашган кутубхоналар тизими ходимлари ва халқ таълимига қарашли мактаб кутубхоначилари тахсил олдилар. Ўқув давомидида уларга китобларни рўйхатга олиш, тарқатиш, оммавий таъбирлар ва давра сўбатлари ўтказиш борасида назарий ва амалий билим берилди. Амалий машғулотлар асосан вилоят «Турон» кутубхонасида ўтказилди.

Абдулазиз МУЛЛАБОВ.

«Халқ сўзи» «Народное слово»
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳжамаси
Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДОҒАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МИРАДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, О. УТВОСАРОВ, О. КАЙСПЕРЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ХАЙДАРОВ, Ҳ. ҚОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92 Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65 Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 133-52-55; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва турizm — 133-10-17; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08 Котибиат — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 608, 22990 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.
Газета тахририят компьютер базасида терияли ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Набатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ. Набатчи муҳаррир — А. ХАЙДАРОВ. Набатчи — М. ХОЛМАТОВА. Мусакххх — М. СУЛАЙМОНОВА.
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тахриратда ҳажми 5 қўғоздан эиёд материаллар қабул қилинмайди. Т — тижорат материалли.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21. 00. Топширилади — 20.40 1 2 3 4 5 6

T.S. TECHNOLOGY
KOMPUTERLARI
SIFAT VA ISHONCH RAMZI
O'zbekiston, Toshkent sh., H. Olimjon m.,
Poytaxt biznes markazi, Garbiy tomon, 29 ofis.
Tel.: (998-71) 137-72-91(92), fax: (371) 137-72-98, www.tstech.uz